

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСЛОМШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШИ
I КУРС МАГИСТРАНТИ **АСҚАРОВА**
ЮЛДУЗНИНГ ҲАДИС ТЎПЛАМЛАРИНИ
ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ ФАНИДАН ЁЗГАН



МАВЗУ: **САҲИҲ ҲАДИС ТЎПЛАМЛАРИ**

ТЕКШИРДИ: РАХИМДЖАНОВ Д.

ТОШКЕНТ-2010

РЕЖА:

I. Кириш

II. Асосий қисм

1. Саҳиҳ ҳадис тушунчаси ва унинг турлари
2. Саҳиҳ ҳадис тўпламлари
 - A) Саҳиҳи Бухорий*
 - B) Саҳиҳи Муслим*
 - C) Саҳиҳи ибн Ҳузайма*
 - D) Саҳиҳи ибн Ҳиббон*
 - E) Саҳиҳи Абу Авана*
 - F) Саҳиҳи ибн Сакан*
 - G) Саҳиҳи Исмоилий*
3. Саҳиҳи Бухорий асарига ёзилган шарҳлар ва унинг қўлёзма нусхалари
4. Саҳиҳи Муслим асарига ёзилган шарҳлар ва унинг қўлёзма нусхалари

III. Хулоса

Мустақиллигимиз шарофати билан тарихимиз, маънавий қадриятларимиз, бой ва кўхна маданий меросимизга муносабат кескин ўзгарди. Буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодларини чуқур ўрганиб, улардан кенг халқ оммасини баҳраманд қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, биз Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Мағилоний каби мутафаккирларимизнинг кутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг ана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз, бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий илмлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандия таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз¹.

Истиклолимиз туфайли, нафақат тарихимиздан дарак берувчи адабиёт ва манбалар, балки ота-боболаримизнинг қон-қонига сингиб келган ислом динининг асосий манбалари ва уларга битилган ҳошиялар тадбиқ этила бошланди. Мамлакатимизда яшаб ижод этган кўплаб муҳаддисларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб халқимизга тақдим этилди. Халқимизнинг маънавий, илмий, диний тафаккурларини шакллантиришда ушбу амалий тадқиқотлар муҳим рол ўйнаб, уларни соф ислом ақидаларини тушунишига, фикҳий масалаларини тўғри таҳлил қилиш, қолаверса, Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг бизгача ворид бўлган амалларини, тақрирларини асл ҳолатида яъни тўқима ривоятлардан ҳоли тарзда ўрганиш имконини беради.

Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, маънавий-диний меросларимизни ўрганиб уларни бугунги кунда тарбия топаётган баркамол авлодга тўғри талқин қилинган ҳолатда етказиш, жумладан буюк алломаларимиздан бири бўлган, улуғ муҳаддис Имом Бухорийнинг илмий меросини ўрганиш ва

¹ Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда , юрагимизда. - Т.: Ўзбекистон, 2000. Б.11

унинг Қуръони каримдан кейин 2-ўринда турадиган манба ҳисобланган “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари ва унга ёзилган шарҳ ва ҳошияларини мукаммал тадқиқ қилиб кенг оммага тақдим этиш *мавзунинг долзарблигини* кўрсатиб беради. Бундан ташқари, саҳиҳ йўналишида таълиф қилинган асарларни ўрганиб, уларни қиёслаш, даражасини кўрсатиб бериш ҳам *мавзуга қўйилган муҳим вазифалар*дан бири ҳисобланади.

Ҳадис илми ва унинг турли масалаларига бағишланиб турли асарлар яратилиб, илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, ҳадис илмининг саҳиҳ йўналишида ҳам бир қанча олимлар томонидан саҳиҳ асарларининг таржималари ва шарҳлари таълиф этилди. Дастлаб З.Исмоил² томонидан 4 жилдлик, бугунги кунда А.Мансур Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” китобини 2 жилдлик таржимасининг тўлиқ шаклини халққа етказиб берди қолаверса, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам саҳиҳ ҳадислар тўпламларини мавзулар бўйича ўзбек тилига таржима қилиб, шарҳлари билан нашр эттирмоқдалар. Юртимизда бу борада фаолият кўрсатаётган олим ва тадқиқотчилардан У.Уватов³, Б.Эшонжонов⁴, А.Жўзжоний⁵, Д.Раҳимджанов⁶, Д.Муродов⁷, И.Усмонов⁸, М.Алимова⁹, шарқда Ал-Муборакфурий¹⁰, Муҳаммад Абу Заҳв¹¹, Маҳмуд Таҳон каби алломалар, ғарбда эса Джон Бёртон¹², К.Броккельман¹³, И.П.Петрушевский, Ф.Сезгин каби таниқли олимлар ўз асарларида мухтасар маълумотлар келтириб

²Имом Бухорий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ./ З.Исмоил таржимаси. – Т.:Комуслар бош таҳририяти. I жилд, 1991.

³Увато в У. Муҳаддислар имоми. – Т.: Маънавият. 1998 ; Ўша муаллиф. Имом Бухорий. Буюк алломалар. – Т.:ТИУ, 2001.; Ўша муаллиф. Моварауннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тар.фан.док.дисс.автореферати... - Т.:ТИУ, 2002.

⁴Эшонжонов Б. IX – аср Моварауннаҳр маданий ҳаётида имом ал – Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асаридаги фикҳий масалалар.Тар.фан.ном.дисс... – Т.:ТДШИ, 2000

⁵Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги.Ҳанафий ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: ТИУ, 2002.

⁶Раҳимджанов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “ Китоб ал-қанд фи маърифати уламо Самарқанд” асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба: Тар.фан.ном.дисс... – Т.:ТИУ, 2003

⁷Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари. – Т.: Фан, 2009.

⁸Усманов И.Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. Тар. фан. ном. дис... - Т.: ТИУ, 2005. Унинг ўзи: Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари (Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари асосида). – Т.: Мовароуннаҳр, 2006;

⁹Алимова М. Имом Доримий

¹⁰Ал-Муборакфурий. Тухфа ал-аҳвазий. Мукаддима. – Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1-жилд.

¹¹Муҳаммад Абу Заҳв.Ал-Ҳадис вал-Муҳаддисун. –Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийа,1984.

¹²Бёртон Ж. Мусульманское предание: введение в хадисоведение. – Москва.: Дилия, 2006

¹³Броккельман К. Geschichte der Arabischen Litteratur. – Leiden.:1937-1942.

ўтганлар. Ушбу олимларнинг илмий тадқиқот ва асарлари **мавзуни қанчалик ўрганилганлик даражасини** кўрсатиб беради.

Мавзуда турли мавзулардан умумий хулосаларга келинди. **Мавзунинг таркибий тузилиши** кириш, 3 та саволдан иборат асосий қисм ва хулосадан ташкил топган.

Маълумки, ҳадис илмида қабул қилинган ҳадислар ўрин ва мартабаларининг ҳар хил бўлишлигига нисбатан иккита катта қисмга бўлинади.

1) Саҳиҳ

2) Ҳасан

Албатта бу икки гуруҳнинг ҳам ўзига хос мақсад ва вазифалари, даражалари мавжуд бўлиб, Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан бизгача етиб келган ҳадисларни ишончли ёки тўқима эканлигини аниқлашда жуда катта ёрдам беради. Агар бирор ҳадис келса, унинг ровийлари кимлиги ва матни ишончли ёки тўқима эканлигига қаралади. Бу жараён ҳадис илми билан шуғулланувчи олимлар томонидан амалга оширилади ва улар томонидан **саҳиҳ, ҳасан ёки заиф** эканлиги аниқланади. Ушбу бўлимлар ичидан саҳиҳ йўналишига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Саҳиҳ (арабча соғлом, ҳақиқий, ишончли, тўғри) – мақбул ҳадисларнинг биринчи тури бўлиб, **истилоҳда** – исноди бошидан охиригача адолатли, аниқлик эгаси бўлган кишининг ўзи каби кишидан ривоят қилган, шозз (ўзидан кучлироқ ровийга қарши туриш) ва иллатли (ноқислик) бўлмаган ҳадис¹⁴.

Ҳадис бўлиши учун қуйидаги *бешта шарт* бўлиши керак:

1. **Иттисол ас-санад**, яъни исноднинг муттасил-узлуксиз бўлиши. Бунда ҳар бир ровий ҳадисни ўзидан юқори бўлган ровийлардан бевосита олган бўлиши ҳамда бу ҳолат исноднинг бошидан охиригача давом этиши лозим.

2. **Адолат ар-рувват**, яъни ровийларнинг адолати – ҳадис ровийларининг ҳар бири мусулмон бўлгани ҳолда балоғатга етган, ақл ва тақво эгаси бўлиб, фосиқлик ва бемурувватликликдан, яъни ноқасликдан узоқ бўлиши шарт.

3. **Забт ар-рувват**, яъни ровийларнинг забти¹⁵ – ровий ҳадисни жуда мустаҳкам ушлаган бўлиши ҳамда дил забти ёки китоб забтига эга бўлиши

¹⁴ Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари. – Т.: Фан, 2009. Б.60

¹⁵ “Забт” сўзи истилоҳий термин бўлиб, **аниқлик** маъносини беради

керак. Ровий ҳадисларни исталган вақтда аниқ ва камчиликларсиз бир хилда айта оладиган бўлиши.

4. *Адам аш-шузуз*, яъни шозз бўлмаслиги. Бунда бир ишончли ровийнинг ўзидан ишончлироқ ровийга муҳолиф бўлмаслиги керак.

5. *Адам ал-иллат*, яъни иллатдан холи бўлиши. Ушбу шартларнинг барчаси мавжуд бўлган ҳадис саҳиҳ лизотиҳи¹⁶ бўлади. Агар ҳадисда мазкур беш шартдан бирортаси мавжуд бўлмаса, ҳадис саҳиҳ деб аталмайди. “Бу ҳадис саҳиҳ эмас” дейилса, билинадики, ушбу ҳадисда талаб қилинган беш шартнинг бирортаси ёки ҳаммаси мавжуд эмас, лекин, у ҳадисни ёлғон дейишга асос бўла олмайди.

Саҳиҳ бобида энг биринчи тасниф этилган асар – бу Имом Моликнинг “Муваатто”си ҳисобланади. Саҳиҳ ҳадисларнинг адади бўйича Имом Бухорийнинг “Мен юз минг саҳиҳ, икки юз минг ғайри саҳиҳ ҳадисларни ёдладим” деган сўзи орқали уларнинг сони *юз мингдан ортиқ* экани билинади¹⁷.

Саҳиҳ ҳадиснинг ҳукми:

1. Саҳиҳайндан бўлса ҳадиснинг саҳиҳлиги вожиб бўлади.
2. Шайхон¹⁸ да чиқмаган ҳадис саҳиҳ бўлса, унга амал қилиш вожиб бўлади.
3. Саҳиҳга ҳеч ким амал қилмаган бўлса ҳам уни қабул қилиш лозим бўлади.
4. Саҳобийнинг бир ўзи бўлиши билан ҳадиснинг саҳиҳлигига зарар етмайди.

Саҳиҳ ҳадиснинг даражалари

Саҳиҳ ҳадисларни қувват жиҳатдан даражаларига ажратиш мумкин. Жумладан, Ибн Салоҳ саҳиҳ ҳадис даражаларини қуйидагича ажратган:

1. Имом Бухорий ва Муслим томонидан ривоят қилинган бир хил ҳадисни энг саҳиҳ деб атаб, буни “муттафакун алайҳи”, деб номлаган.

¹⁶ Саҳиҳ лизотиҳ – ўзидаги сабаб туфайли саҳиҳ

¹⁷ Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари. – Т.: Фан, 2009. Б.61

¹⁸ Шайхон – Бухорий ва Муслимнинг саҳиҳ ҳадис тўпламлари назарда тутилади.

2. Имом Бухорийнинг ўзи ривоят қилган ҳадис.
3. Муслимнинг ўзи ривоят қилган ҳадис.
4. Имом Бухорий ва Муслимнинг шартига биноан саҳиҳ бўлиб, китобларида келтирилмаган ҳадис.
5. Имом Бухорий шартига биноан саҳиҳ бўлиб, китобида келтирилмаган ҳадис.
6. Муслим шартига биноан саҳиҳ бўлиб, китобида келтирилмаган ҳадис.
7. Имом Бухорий ва Муслимнинг шартидан бошқа йўлар билан ривоят қилинган ҳадислар киради.

Бир неча олимлар, шаҳарига қараб ҳам саҳиҳ ҳадисларни ажратганлар. Ҳатиб Бағдодий (463 х.в.этган) эса “Суннат йўлларининг энг саҳиҳи ҳарамайн – Макка ва Мадина аҳллари ривоят қилганларидир. Чунки уларда тадлис (яширин) кам, ёлғон ва ҳадис тўқиши жуда нодирдир. Яман аҳлларининг ҳам яхши ривоятлари, саҳиҳ йўллари бор бироқ, уларнинг манбаи ҳам Ҳижозга бориб етади. Басра аҳллари кўп бўлса-да бошқаларда бўлмаган очиқ-равшан иснодлар билан собит бўлган суннатлари бор. Куфаликлар ҳам шундай, аммо уларнинг ривоятларида дағал (махфийлик) кўп ва иллатлардан хоилик оз. Шомликлар ҳадисларининг кўпи мурсал ва мақтуъ, иснодда муттасил бўлганлари эса мақбул, бу ҳадисларнинг кўпи мавъиза, панд-насиҳатга оид”, деган. Лекин ҳадисларни бундай ажратишни мутлақ тўғри деб бўлмайди¹⁹.

¹⁹ Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари. – Т.: Фан, 2009. Б.61

Маълумки, ҳижрий III аср ҳадис илмида *олтин аср* бўлиб, бу даврда ҳадис таълиф этиш соҳасида “муснад”, “саҳиҳ” ва “сунан” деб аталмиш турли йўналишлар вужудга келди. Ушбу йўналишлар ичида саҳиҳ тўплами йўналишига буюк муҳаддис Имом Бухорий асос солган. Бу йўналишда таълиф этилган тўпламларга фақат тўғри, ишонарли ҳадислар киритилган. Бу ишни айтиб ўтилганидек, Имом Бухорий бошлаб берди, кейин қатор олимлар унга эргашиб, шу заминда ҳадислар тўпламини яратдилар.

Буюк муҳаддис олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Абу Ҳасан Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира ибн Аҳнаф Яздабиҳ ал-Бухорий²⁰ авлодларига бой қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улардан “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад”, “Ат-тарих ас-сағир”, “Ат-тарих ал-авсат”, “Ат-тарих ал-кабир”, “Китоб ал-илал”. “Бирр ул-волидайн”, “Асмо ус-саҳоба”, “Китоб ал-куна” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин²¹. Буюк алломанинг муҳим асари шубҳасиз, “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”дир. Бу асар “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи билан машҳур. Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларни танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар. Имом ал-Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлган, уларнинг ишончлилирини ажратиб алоҳида китоб яратган. Ҳатто машҳур муҳаддис олим, “Саҳиҳи Ибн Ҳузайма” асарининг муаллифи унинг билимини эътироф этиб шундай деган эди: - “Мен тирик эканман, фақат Имом ал-Бухорийнинг ҳадисларини ўрганаман”²².

Шуни таъкидлаш жоизки, Имом ал-Бухорийнинг ушбу йирик асари дунё юзини кўрганига тахминан 1200 йил бўлибдики, ўша даврдан бошлаб токи

²⁰ Тўлиқ маълумот учун қаранг. Кўп манбаларда Имом Бухорий ҳаёти келтирилганлиги боис, тўхталиб ўтилмади. Увато в Ҳ. Муҳаддислар имоми. – Т.: Маънавият. 1998 ; Ўша муаллиф. Имом Бухорий. Буюк алломалар. – Т.: ТИУ, 2001.; Ўша муаллиф. Моварауннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожиди тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тар.фан.док.дисс.автореферати... – Т.: ТИУ, 2002. Эшонжонов Б. IX – аср Моварауннаҳр маданий ҳаётида имом ал – Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асаридаги фикҳий масалалар. Тар.фан.ном.дисс... – Т.: ТДШИ, 2000 ; Ал-Муборақфурий. Тухфа алаҳваз-ий. Муқаддима. Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1-ж.

²¹ Шайх Муҳаммад Солиқ М.Ю. Ҳадис ва Ҳаёт./ Муқаддима. – Т.: Шарқ, 2008. Б.159

²² Эшонжонов Б. IX – аср Моварауннаҳр маданий ҳаётида имом ал – Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асаридаги фикҳий масалалар. Тар.фан.ном.дисс... – Т.: ТДШИ, 2000. Б.70

шу вақтгача у ислом таълимотида Қуръондан кейин иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий ҳужжат вазифасини ўтайди. Кўриниб турибдики, ушбу асар фикҳий манба сифатида ҳам машҳур бўлган.

Имом ал-Бухорий тўпламларига киритилган ҳадислар фақат ислом таълимотига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Улар меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқ кўнгиллилик, ота-она ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик ва ҳалолликка даъват этиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуасидир. Унда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керагу, нимадан ўзини тийиш, лозимлиги ҳақида ҳозирги жамиятимиз аҳли, айникса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панду насиҳат ва ўғитлар ўз аксини топган.

Имом Бухорийнинг ушбу китобига фақат ишончли ҳадисларни киритилган бўлиб, 16-йилда ёзиб тугатилди. Бухорий ўзининг ушбу китоби ҳақида шундай дейди: “Қачонки мана шу китобимга бирор ҳадис киритсам, ғусл қилиб икки ракат намоз ўқирдим”²³. Асарни ёзишга киришган вақтларида устозларидан эшитган ҳадисларини саралаб, “Мен 1080та муҳаддисдан ҳадис ёзиб олдим ва уларнинг барчаси ҳадис илмининг даҳолари эди”, - деган эди²⁴.

Тарихчи ибн Хажар ал-Асқалонийнинг маълумот беришича, Имом Бухорий бу йирик асарини ёзишни ва унинг асосий мундарижасини тузишни Маккаю Мукаррамада-Байтуллоҳ ал-Ҳарамда бўлган вақтидан бошлаб, ўз она юрти Бухорода асарини ниҳоясига етказиб оққа кўчирган²⁵.

²³ Шайх Муҳаммад Солиқ М.Ю. Ҳадис ва Ҳаёт./ Муқаддима. – Т.: Шарқ, 2008. Б.158

²⁴ Эшонжонов Б. IX – аср Моварауннаҳр маданий ҳаётида имом ал -Бухорийнинг макеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асаридаги фикҳий масалалар.Тар.фан.ном.дисс... – Т.:ТДШИ, 2000 й. Б.94

²⁵ Уватов У. Моварауннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тар.фан.док.дисс.автореферати... - Т.:ТИУ, 2002. Б.27

Асарнинг таркибий тузилиши

Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, Имом Бухорийнинг ушбу 4 жилддан иборат ҳадислар тўплами 91 та бўлим, киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳадислар эса 4000 дан иборат. Асарнинг тўлиқ номи “*Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ ал-Муснад мин ҳадис Расулиллаҳ ва сунаниҳи ва айёмиҳи*” яъни “*Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг айёмлари суннаилари ва ҳадисларидан саҳиҳ муснад тўплами*” дир. Биринчи ваҳийнинг бошла-ниши номли боб билан бошланиб, охири *тавҳид китоби* номли боб билан якунланади. Тўпламдаги ҳадисларнинг асосий мавзулари *ислом дини ақидалари, иймон, ибодат, ҳаж, закот, рўза, никоҳ, талоқ, васият ва Пайғамбаримиз(с.а.в.) амаллари, айтган сўзларининг шарҳларидан* иборат. Бундан ташқари манбаларда келтирилишича, ўша давр тарихи ва этнографиясига доир маълумотлар²⁶ мавжуд.

Аллома асардаги сарлавҳаларни икки қисмга бўлади:

- 1) Зоҳирий яъни очик
- 2) Ботиний яъни яширин

Очик сарлавҳалар – бу бирор қисмда келтирилган сарлавҳа остида қўйилган ҳадис матнини мазмунига мувофиқ бўлиши керак. Бунинг фойдали шу сарлавҳа остида нима келтирилганини билдиришдан иборат.

Яширин сарлавҳалар – бундай сарлавҳалар сарлавҳа қилинаётган ҳадисни ўз матни билан унинг бир қисми ёки унинг маъноси билан белгиланади. Бунинг сабаби, сарлавҳанинг матнида кўп маъноларнинг эҳтимоли бор²⁷.

Имом Бухорийнинг илмий услубларидан бири агарда келтирилган ҳадисни лафзи шубҳалироқ эканлигини сезса, Қуръони каримдан ўша ҳадисга мос оятни топиб, тафсирини келтиради. Бу билан у ушбу ҳадиснинг далили Қуръонда ҳам келган деб қатъийлаштиради ва алломанинг бу услубини

²⁶ Имом Бухорий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ./ З.Исмоил таржимаси. – Т.:Қомуслар бош таҳририяти. I жилд, 1991. Б.5

²⁷ Эшонжонов Б. IX – аср Моварауннаҳр маданий ҳаётида имом ал -Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асаридаги фикҳий масалалар.Тар.фан.ном.дисс... – Т.:ТДШИ, 2000 й. Б.129

кўпинча, унинг *тафсир китоби ва ваҳийнинг бошланиши* номли бўлимларида учратиш мумкин.

Агарда бирор фикҳий масала тўғрисида 4 мазҳаб вакиллари ихтилоф қилишган бўлса, Бухорий ҳам бу масала тўғрисида қатъий фикр билдирмасдан, 4 мазҳаб вакиллрининг фикрларини эҳтимол тарзда очик қолдиради. Унинг мақсади ўқувчи ўзига мос бўлган 4 ҳукмдан бирини қабул қилиши мумкин деганидир.

Саҳиҳи Муслим

Ҳадис илмида “Саҳиҳи Бухорий” дан кейин 2-ўринда турадиган саҳиҳ ҳадис тўплами “Саҳиҳи Муслим” асарининг муаллифи Имом Абу Ҳусайн Муслим ибн ал-Қушайрий ан-Найсобурийдир²⁸. Маълумки, Имом Муслимнинг ушбу асари машҳур “Сихоҳи ситта” таркибига кирган мўътабар манбалардан бири ҳисобланади²⁹.

Имом Муслим муҳаддислар ичида ўзининг синчковлиги билан ажралиб туради ва ўз давридаги барча етук муҳаддис олимлардан илм олишга ҳаракат қилган ва муҳаддислар имоми Имом Бухорийдан ҳам таълим олган. Ҳатто Имом Бухорий билан Шайх Зухали ораларида келишмовчилик юзага келганида ҳам у ўз устози Имом Бухорийни қўллаб-қувватлаган ва Шайх Зухали мактабидан чиққан³⁰. Албатта Имом Муслим Имом Бухорийни ўзига устоз билган ва ундан бир қанча муддат таълим олган.

“Саҳиҳи Муслим” ҳам Қуръони каримдан кейинги ўринда турадиган китобдир. Имомнинг ҳадис илмида тутган ўрни ва олий мартабаларга етишишига сабаб саҳиҳ тўпламда бирорта зиёдалик ҳам, ноқислик ҳам бўлмаганлиги, бундан олдин ҳам кейин ҳам бунинг сингари китобнинг топилмаслигидир³¹. Шу ўринда Имом Муслимнинг ҳадисларни жамлашдаги

²⁸ Маълумот учун қаранг: Муҳаммад Абу Заҳв. Ал-Ҳадис вал-Муҳаддисун. – Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1984. Б.381.; Уватов У. Моварауннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тар.фан.док.дисс.автореферати... - Т.:ТИУ, 2002. Б.29

²⁹ У. Моварауннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тар.фан.док.дисс.автореферати... - Т.:ТИУ, 2002. Б.31

³⁰ Исломов З. Саҳиҳи Муслимнинг нодир бир қўлёзмаси ҳақида./ ТИУ Ахборот Блютени, 2004. 4-сон Б.4-5.

³¹ Шайх Муҳаммад Содиқ М.Ю. Ҳадис ва Ҳаёт. / Муқаддима. – Т.: Шарқ нашриёти, 2008. Б.161

маъсулияти ва бирор ҳарф бўлса ҳам ўзгартиришдан сақланишини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Имом Муслим салмоқли илмий мерос қолдирган. Улар жумласига машҳур “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-Муснад ал-кабир ала ар-рижал”, “Китаб ал-асма вал-куна”, “Китабул-илал”, “Китабул-ақран”³² ва бошқа ўндан ортиқ асарларни киритиш мумкин.

“Саҳиҳи Муслим” Имомнинг асосий асари бўлиб, муҳаддиснинг катта илмий ва амалий қимматга эга бўлган бу асарининг тарихий аҳамияти шундаки, унда ровийлари ва иснодлари чуқур текширилиб аниқланганишончи ҳадислар ўрин олган. Шу боис ҳам Муслим ибн Ҳажжожнинг ўзи “Саҳиҳ” асарининг манбалари ҳақида ёзиб: “ Фақат хужжату далилларга таянган ҳолда китобимга ҳар бир ҳадисни киритдим, фақат хужжату далилларга асосланиб унинг бирон бир ҳадисини чиқариб қолдирдим. “Саҳиҳ” китобим ўзим эшитган уч юз минг ҳадис тасниф этилган.” , - деб таъкидлайди³³.

Асарнинг таркибий тузилиши

Бу асар 8 қисмдан иборат бўлиб, ўз навбатида улар ҳам ҳадисларнинг мазмун-моҳияти ва мавзуларига қараб эллик тўрт³⁴ бобга бўлинади. Улардан иймон, таҳорат, намоз, масжидлар, закот, рўза, ҳаж, никоҳ, фарзлар, васиятлар, овчилик, кийим-кечак, зеб-зийнатлар, одоб-ахлоқлар, илму фан, маърифат, фазилатлар, тарих ва табобатга оидларини кўрсатиш мумкин³⁵.

“Саҳиҳ” Муслимдан ўрин олган ҳадисларнинг аниқ адади ҳақида ҳам хилма-хил фикрлар бўлсада, китобга киритилган ҳадислар сони 5781 ҳадисдан иборат.

Олимлар Имом Муслимнинг ушбу асарини илмий ва амалий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, унга жуда юори баҳо берганлар. Таниқли олим Ҳоким

³² Тўлиқ маълумот учун қаранг: Уватов У. Муслим ибн Ҳажжож.

³³ Уватов У. Моварауннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тар.фан.док.дисс.автореферати... - Т.:ТИУ, 2002 . Б.31

³⁴ Баъзи манбаларда эллик икки боб келтирилади.

³⁵ Уватов У. Моварауннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тар.фан.док.дисс.автореферати... - Т.:ТИУ, 2002 . Б.32

Найсобурийнинг устози Ҳофиз Абу Али Найсобурийнинг “Осмоннинг остида ҳадис илми бўйича Муслим ибн Ҳажжожнинг китобидан кўра тўғрироқ китоб йўқ”, деб ёзиши фикримизнинг ёрқин далилидир³⁶. Шу ўринда келтириб ўтиш жоизки, баъзи олимлар, жумладан, Имом Нававий: “Ёрнинг устида, осмоннинг остида Муслимнинг китобларидан кўра саҳихроқ китоб топилмайди”, деб эътироф этган.

Саҳиҳи Ибн Ҳузайма

Юқорида зикр этилган буюк муҳаддислардан ташқари саҳиҳ тўпламларини таълиф этган машҳур муҳаддислар ҳам бўлиб, улардан бири Ибн Ҳузаймадир. Алломанинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ҳузайма ибн ал Муғира ибн Солиҳ ибн Бакр ас Суламий ан Найсобурий бўлиб, Заҳабий ўзининг “Тазкира” китобида келтиришича, ҳижрий 223 йилда таваллуд топган³⁷. У Маҳмуд ибн Ғулом, Утба ибн Абдуллоҳ Якмадий Марвазий, Муҳаммад ибн Абома Мусташилий, Исҳоқ ибн Мусо Хатмий, Али ибн Хажар Аҳмад ибн Маниъ, Аби Қидома Сарахсий, Башар ибн Муоз, Аби Курайб Абу Жаббор ибн Алоъ каби машҳур муҳаддислардан ҳадис эшитган.

У дастлаб Бухорий ва Муслимдан таълим олиб, сўнгра Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абду Ҳакам Аҳмад бин Муборак Мустамилий, Иброҳим ибн Аби Толиб, Абу Али Найсобурий, Исҳоқ ибн Саъид Насвий, Абу амр ибн Ҳамадон, Абу Хомид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Болуя, Абу Бакр Аҳмад ибн Маҳарои ал Макрий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Басир, Хуфайда Муҳаммад ибн Фазл ибн Муҳаммад каби йирик ҳадис олимларидан таълим олган.

Ушбу олимнинг “*Саҳиҳи Ибн Ҳузайма*” ва бир қанча асарлари борлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. “Саҳиҳи Ибн Ҳузайма” асарида келтирилган ҳадислари Бухорий ва Муслимларникида келтирилганлига боис, ударажада машҳур бўлмаган. Бугунги кунда унинг баъзи асарлари устида изланишлар олиб борилмоқда. Гарчи **Ҳоким** ўзининг “*Улумул-ҳадис*”

³⁶ У. Моварауннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тар.фандок.дисс.автореферати... - Т.:ТИУ, 2002. Б.32

³⁷ Ал-Муборакфурий. Тухфа ал-аҳвазий. Муқаддима. – Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1-жилд. Б.121

китобида унинг 140 дан ортиқ китоб таълиф қилганини таъкидласада³⁸, бизгача сақланиб қолмаган.

Машҳур муҳаддис Абу Усмон ал Хирий Ибн Хузайма ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: *“Ибн Хузайма бир нарса ёзмоқчи бўлса, токи у қалбига жойлашмагунча қадар истихора намозини ўқирди”*³⁹.

Абу Усмон Зоҳид эса қуйидаги маълумотни келтиради: *“Аллоҳ таоло Найсобур аҳлини ибн Хузайма борлиги учун балолардан асраб, ҳимоя қиларди”*.

Ал-Муборакфурий унинг 311 йилда, 89 ёшида вафот этгани ҳақида маълумот келтиради.

Саҳиҳи Ибн Ҳиббон

“Саҳиҳи Ибн Хузайма” асари билан бир хил даражада турадиган машҳур саҳиҳи тўпламларидан яна бири “Саҳиҳи Ибн Ҳиббон” асаридир. Ушбу саҳиҳ тўплам муаллифи Ибн Ҳиббон бўлиб, тўлиқ исми Абу Хотим Муҳаммад ибн Хаббон ибн Аҳмад ибн Хаббон ибн Муоз Тамимий Бустий⁴⁰ дир. Унинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумот келтирилмаган, лекин унинг сижистонлик эканлиги ҳақида маълумотлар бор.

У ўз даврининг кўзга кўринган муҳаддислари Ҳусайн ибн Идрис Ҳарвий ва Абу Ҳанифа Жамҳий, Абу Абдурахмон Насоий, Имрон ибн Мусо ибн Мужошиъ, Хасан ибн Суфён Абу Яълий Мавсаний, Аҳмад ибн Хасан Суфий, Жаъфар ибн Аҳмад Димашқий, Абу Бакр ибн Хузайма⁴¹ лардан ҳадис эшитган.

У Ҳоким, Мансур, Абдуллоҳ Хомидий, Абу Муоз Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Рухуллоҳ, Абу Ҳасан Мухд ибн Аҳмад ибн Абду Равзаний, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мансур Бувқоний каби бошқалардан ҳадис ўрганган.

³⁸ Ал-Муборакфурий. Ўша асар, Б.122

³⁹ Ал-Муборакфурий. Ўша асар, Б.122

⁴⁰ Ал-Муборакфурий. Ўша асар, Б.121

⁴¹ Ибн Ҳиббон. Саҳиҳи Ибн Ҳиббон битартиби Ибн Балабон. – Байрут.:Ал-Ресалах, 1997. Б.7

Абу Саъд Идрисий Ибн Ҳиббоннинг Самарқанд қозиларидан бири бўлгани бундан ташқари дин фақиҳларидан ва машҳур ҳофиз бўлиб, тиббиёт, фалакиёт ва санъат соҳасида олим бўлгани ҳақида маълумот келтиради.

Унинг илмий меросига тўхталиб ўтадиган бўлсак, “*Саҳиҳи Ибн Ҳиббон*”, *Тарих*, *Дуафо* ва *Фиқҳ* китоблари⁴²ни таълиф қилганини кўришимиз мумкин.

Хоким: “Ибн Ҳиббон фикҳ, луғат, ҳадис, ваъз илмларида жуда ҳам билимли киши эди” -дейди. Бухорога сафар қилиб, у ерда Умар ибн Муҳаммад ибн Бухайр билан учрашади. Кейин 34 ёшида Найсобурга қайтади. Насога қози қилиб тайинланади. 7 йилдан кейин Найсобурга боради, у ерда хонако қурдиради, 40 ёшида ўз юрти Сижистонга қайтади. Заҳабий: Абу Хотим ибн Хаббон 354 йилнинг шаввол ойида 110 ёшида вафот этади⁴³. “*Саҳиҳи ибн Ҳиббон*” асари Ибн Ҳузайманинг саҳиҳ тўпламлари билан деярли бир хил деб, фикр билдирадилар.

Саҳиҳ Абу Авана

Муҳаддиснинг тўлиқ исми Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Язид Исфароъиний ан-Найсобурийдир.

У Юнус ибн Абду Аъла, Аҳмад ибн Азҳар, Заъфароний, Али ибн Харб, Умар ибн Шайба, Муҳаммад ибн Яҳё Заҳлий, Али ибн Ашқоб кабилардан ҳадис эшитган⁴⁴.

Аҳмад ибн Али Розий, Абу Али Найсобурий, Яҳё ибн Мансур Қозий Ибн Ади, Табароний, Исмоилийлардан ҳадис илмидан таълим олган .

У саҳиҳ ҳадисларни жамлаб “ *Саҳиҳи Абу Авана*” китобини ёзиб қолдирган. Унинг ушбу саҳиҳ тўпламида ҳам Бухорий ва Муслимда келтирилган ишончли ҳадислар билан чекланилган.

Ушбу китобнинг ҳозирда Тошкент ислом университетининг Манбалар хазинасида № 79 рақами остида замонавий нашрлардан бири сақланмоқда. Китоб 18 жилддан иборат бўлиб, дастлаб ақидавий масалаларнинг асоси

⁴² Ибн Ҳиббон. Ўша асар, Б.26.

⁴³ Ал-Муборакфурий. Ўша асар, Б.122

⁴⁴ Ал-Муборакфурий. Ўша асар, Б.122

хисобланган иймон масаласи билан бошланган. Ҳадислар манбалар шарҳи асосида берилган яъни бирор ҳадис келтирилиб, унга қўшимча равишда пастки қисмида изох ва манбалар кўрсатилган.

Ушбу саҳиҳ тўпламларни ўрганиб, улар устида илмий тадқиқот олиб борилиб, келажак авлодга етказиб бериш бизнинг олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Саҳиҳи Ибн Сакан ёки Саҳиҳи ал-мунтақа

“Саҳиҳи Ибн Сакан” асарининг муаллифининг тўлиқ исми Абу Али Саъид ибн Усмои ибн Саъид ибн Сакан Бағдодий бўлиб, ҳижрий 194-йили Мисрда таваллуд топди⁴⁵. У дастлаб ҳадис илмини Абул Қосим Бағавий, Саъид ибн Абду Азиз Ҳалабий, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Бадриддин Баҳилий, Абу Аруба Ҳароний, Муҳаммад ибн Юсуф Фарабий, Ибн Жуса каби ва Нил ҳудудидаги барча муҳаддислардан ўрганган⁴⁶. У ўзининг илмий меросини жамлаб китоб ҳолига келтирди ва у “Саҳиҳи ал-мунтақа” номли ишончли ҳадислар тўпламига айланди. Унинг бу китоби ҳаттоки, Андалус аҳлигача етиб борди.

Ибн Сакана ҳижрий 353 йили муҳаррам ойида вафот этди. Унинг саҳиҳ тўплами ҳақида китобларда берилган маълумотлар билан чекланилди, чунки, ушбу муҳаддиснинг китобида 2 шайхнинг китобидаги ҳадислардан ташқари ҳадис киритилмаган.

Саҳиҳи Исмоилий

Сўнгги саҳиҳ тўпламини таълиф қилган муҳаддис Исмоилийнинг тўлиқ исми Собит Шайхул Ислому Абу Бакр Аҳмад ибн Иброҳим ибн Исмоил ибн Аббос Исмоилий Журжонийдир. Аллома ҳижрий 277-йилда таваллуд топган⁴⁷.

⁴⁵ Ал-Муборакфурий. Ўша асар, Б.123

⁴⁶ Ал-Муборакфурий. Ўша асар, Б.123

⁴⁷ Ал-Муборакфурий. Ўша асар, Б.123

У 89 йилдан ортиқ ҳадис илми билан шуғулланиб, Иброҳим ибн Зухайр Халавоний, Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Катиб, Юсуф ибн Яъқуб Қазий, Ибн Аби Шайба, Ибн Хузайма каби машҳур муҳаддислардан ҳадис эшитган.

Ҳоким Исмоил тўғрисида куйидаги фикрни билдиради: “ *Исмоил ўз замонасининг яғонаси, фақиҳлар ва муҳаддислар шайхи эди* ”. Муҳаддис ҳижрий 271-йилда 94 ёшида вафот этди.

“Саҳиҳи Исмоилий” ишончли тўплами Имом Бухорийнинг Саҳиҳига мустахраж ҳисобланади.

“Саҳиҳи Бухорий”нинг қўлёзма нусхалари ва шарҳлари

Брокельман каталогидаги маълумотларга кўра, Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” таржимасининг илк нашрлари:

1262/1846 йили Бомбей наشري, тошбосма литография

1270/1854 йили Дехли наشري, тошбосма

1280/1864 йили Қоҳира наشري. Булоқ матбааси.

Ф.Сезгин берган маълумотларга кўра асарнинг мўътабар нашрлари:

Қоҳирада Булоқда Усманийлар султони Абдул Ҳамид Соний фармони билан нашр этилган арабча матни 1311-1313/1894-1896 йиллар;

Х.Зеҳний 1315/1898 йилда амалга оширилган Стамбул наشري;

Олмон олими Лудольф Крел 1284-1325/1868-1907 йилларда асарнинг уч жилдини арабча матни ва олмонча изоҳлари билан нашр этди. Крел вафотидан сўнг унинг лейденлик шогирди Йойнбол Ҳумоҳболд мазкур асарнинг 4- жилдини нашр эттирди.

Бу орада француз олимларидан Октав Уда мазкур асар устида иш бошлади ва Парижда 1320-1334/1903-1916 йилларда қарийб 3000 саҳифадан иборат французча таржимасини нашр эттирди⁴⁸.

Асарнинг энг чиройли ва тўлиқ нусхаси 1397(1977) йилда Анқара дорифунуни геология профессори Меҳмед Хатиб ўғлининг шахсий кутубхонасида сақланади.

Яна тўлиқ бўлмаган қўлёзма нусхаси Манчестер шаҳридаги Минган коллекциясида сақланади. А.Мингана ушбу қўлёзмадан фойдаланиб, “An Important Manuscript of the Traditions of Bukhari” (Имом Бухорий ҳадисларининг муҳим қўлёзмаси) номли асар ёзди.

Бундан ташқари бугунги кунда юртимизда ҳам унинг бир нечта қўлёзма нусхалари сақланиб келинмоқда. Жумладан, ЎзФА Шарқшунослик институтида ва Имом Бухорий номли Тошкент ислом институтида, қолаверса

⁴⁸ Эшонжонов Б. IX – аср Моварауннаҳр маданий ҳаётида имом ал -Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асаридаги фикҳий масалалар.Тар.фан.ном.дисс... – Т.:ТДШИ, 2000 й. Б.144

Тошкет ислом университетининг Манбалар хазинасида ҳам бир неча кўлёзма нусхалари сақланади.

Ушбу асарнинг кўплаб нусхалари дунёнинг турли шаҳарларига тарқалган. Ҳатто ўрта асрларда яшаган баъзи адиб ва хаттотлар учун бу асар нусхаларини кўчириш тирикчилик манбаи ҳам бўлган. Жумладан, таниқли адиб ва тарихчи ан-Нувайрий (1332 йилда вафот этган) ал-Бухорийнинг ушбу асардан саккиз нусха кўчириб, ҳар бирини минг дирҳамдан сотгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Асарнинг 1325 йилда кўчирилган саккиз жилддан иборат гўзал бир нусхаси ҳозир Истанбулда сақланмоқда.

Тадқиқотчи, ҳадис илми мутахассиси Муродов Д. муҳаддис меросини ўрганган олимларни шартли равишда 3 га бўлади:

1. Мусулмон шарқи олимлари
2. Ғарб шарқшунос олимлари
3. Юртимиз олимлари

Абдусалом Муборакфурий “Сийрат Имом Бухорий” асарида “Саҳиҳ”нинг араб тилидаги шарҳ ва ҳошияларидан 107 тасини, форс ва урду тилларидаги шарҳ ва таржималаридан эса 38 тасини келтириб ўтган.

Асарга ёзилган шарҳларнинг энг машҳури:

1. Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “Фатҳул Борий” номли шарҳи бўлиб, энг мукаммали ва тўлиқлиги жиҳатидан бошқа шарҳларидан ажралиб туради.
2. Ҳамидуллоҳ Муҳаммад Бустийнинг “Иъламус Сунан” номли шарҳи. Аслида бу Абу Довуднинг “Сунан”ига бағишланган бўлиб, унда Бухорий ҳақида қимматли маълумотлар бор⁴⁹
3. Бадруддин Айнийнинг “Умдатул Қорий” номли шарҳи бўлиб, муаллиф ўзининг бу асари орқали ҳанафий мазҳабида ҳужжат қилиб олинadиган ҳадисларга алоҳида эътибор қаратган.

⁴⁹ Эшонжонов Б. IX – аср Моварауннаҳр маданий ҳаётида имом ал -Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асаридаги фикҳий масалалар.Тар.фан.ном.дисс... – Т.:ТДШИ, 2000 й. Б.146

4. Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий ҳам Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”ида келган ҳанафий мазҳабида ҳужжат сифатида келган ҳадисларни танлаб олиб шарҳлаган.
5. Муҳаммад Анвар Кашмирийнинг “Файзул Борий” номли шарҳи.
6. Усмон ибн Исомиддин ибн Иброҳим ас Сиддиқий ал Ҳанафийнинг “Ҳаёт ат-Тавҳид ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” номлишаҳ бўлиб, 2 жилдли бу шарҳнинг қўлёзмаси Ҳиндистонда Мактабат ал Амирия кутубхонасида сақланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бошқа кўплаб шарҳлари бўлиб, бу ерда энг машҳурлари санаб ўтилди. Асарни муҳим манба сифатида у қайта-қайта нашр ҳам қилинган.

“Саҳиҳи Муслим” асарига ёзилган шарҳлар ва унинг қўлёзмалар

“Саҳиҳи Муслим” асарига Имом Абу Абдулла ал-Мозорий (ваф. 536/1142) томонидан “Ал-муаллим би фавойиди китоби Муслим”, Имом Иёд ибн Муса ал-Моликий (ваф. 544/1149) томонидан “Икмалу ал-муаллим фи шарҳи Саҳиҳи Муслим”, Имом Ҳофиз Абу Закария аш-Шофеъий томонидан “Ал-минҳад фи шарҳи Саҳиҳи Муслим ибн ал-Ҳажжож” каби қатор шарҳлар ёзилган.

2004 йили Манбалар хазинасига тошкентлик Саидова Маҳбубахон ая томонидан тақдим этилган бир нодир қўлёзма қабул қилинди. Хазинада ушбу қўлёзма 182-сақланиш рақами остида рўйхатга олинган. Мазкур манба Имом Муслимнинг ушбу асари машҳур “Сиҳоҳи ситта” асари қўлёзма бўлиб чиқди⁵⁰.

Мазкур қўлёзма “Саҳиҳи Муслим” асарининг биринчи қисми бўлиб, нодир ва мўътабар манбалардан ҳисобланади. Асар унвонли, зарҳал берилган нақшли сарварақ билан бошланган. Қўлёзма муқаддима (1 б-14 а) ва 20 китобдан иборат. Муқаддима ўз навбатида 5 бобга бўлинган. Асар қуйидаги китоблардан иборат:

№	Китобнинг номи	Боблар сони	Ҳадислар сони
1	Имон	96	380
2	Таҳорат	34	111
3	Ҳайз	39	126
4	Намоз	52	285
5	Масжидлар ва намоз ўқиш жойлари	55	316
6	Мусофирларнинг намози ва қаср қилиб ўқиш	57	312
7	Жума	17	73
8	Икки хайит намозини ўқиш	4	22
9	Истисно намози	4	22
10	Қуёшнинг тутилиши	5	29
11	Жаноза	37	107
12	Закот	55	177
13	Рўза	40	222

⁵⁰ Ушбу қўлёзма таҳлилида филология фанлари доктори, профессор Исломов З.нинг ““Саҳиҳи Муслим”нинг нодир бир қўлёзмаси” номли илмий тадқиқотидан фойдаланилди.

14	Иътикоф	4	10
15	Ҳаж	97	143
16	Никоҳ	24	143
17	Эмизиш	19	63
18	Талоқ	9	67
19	Лаънат	-	20
20	Озод қилиш	6	25
ЖАМИ		654	3027

Матн жуда нафис сулс хатида қора сиёҳ билан кўчирилган. Уни хаттотлик санъатининг нодир намунаси сифатида баҳолаш мумкин.

Қўлёзма матни рангли, зарҳал жадвалга олинган. Боб номлари сўзлар қизил ҳамда сиёҳ ранг билан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма “Болани озод қилишнинг фазилати” боби билан тугаган.

Қўлёзманинг умумий ҳажми 426 varaқ бўлиб, ундан 330 varaғи оқиш рангли кўқон қоғози, қолган қисми тўқ рангли кўқон қоғозидан иборат. Асарнинг хотимасидаги ёзувга кўра ушбу қўлёзма Ҳожи Ёрбек номи билан машҳур бўлган Ёрмуҳаммад номли шахсга тақдим этилган. Қўлёзмада китобат тарихи кўрсатилмаган, лекин кўчирилган қоғози, хатининг услуби, сиёҳи, қўлёзманинг умумий ҳолатига кўра уни XVII асрга оид деб ҳисоблаш мумкин. Давр албатта, қўлёзмага ўз таъсирини ўтказган. Унинг дастлабки varaқлари ҳошиясида сув доғлари мавжуд бўлиб, матнга асло таъсир этмаган.

Муқова қалин картондан ишланган ва устига мош рангли қоғоз ёпиштирилган, дастакиси тўқ қизил рангли чармдан қилинган. Муқованинг ҳар тарафига иккитадан тўқ бинафша рангли кичик ва биттадан катта қизил рангли саҳҳоф тамғалари босилган. Varaқларнинг ўлчами 22x31, матн ўлчами 13,5x20 см.

Қўлёзманинг дастлабки varaғида “етти тилла” деган ёзув бор. Бу қўлёзма тарихига оид нодир маълумот бўлиб, унинг ўз вақтида ҳам юқори баҳоланганлигини кўрсатади.

Имом Муслим “Саҳиҳ” асрининг юқоридаги қўлёзмаси унинг нодир, мўътабар, илмий аҳамиятга молик нусхаларидан ҳисобланади. Тошкент ислом университетининг Манбалар хазинасида ҳали илмий истифодага

киритилмаган кўплаб нодир манблар мавжуд ва албатта, улар келгусида илмий тадқиқотлар доирасига тортилади⁵¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ишончли ҳадис тўпламлари яратишдек ўта муҳим ва хайрли ишга биринчилардан бўлиб мустаҳкам асос солиб, “ҳадис илмининг султони”, “бутун дунёнинг имоми”, “барча муҳаддисларнинг пешвоси” деган шарафли мақомларга сазовор бўлган буюк ватандошимиз, алломалар алломаси имом Бухорийнинг тарихий хизматларини, унинг ўлмас меросини ҳар иомонлама чуқур ўрганиб, халқимиз тафаккурига, онг шуурига теран сингдириш керак. Чунки бу табарруқ зотнинг букилмас иродаси, сўнмас эътиқоди, илму ирфон йўлидаги афсонавий жасорати инсон ақлзаковати ва тафаккурининг имкониятлари чексиз эканлигини кўрсатувчи ёрқин намунадир.

Имом Бухорийнинг ҳазратларининг шоҳ асари “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” ислом таълимотида Қуръони каримдан кейинги иккинчи мўътабар манба сифатида, қолаверса, нафақат Шарқ халқлари ижтимоий маънавий тафаккурининг ноёб дурдонаси, балки жаҳон цивилизацияси маданияти тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилган беқиёс маънавий, ҳуқуқий ва тарихий деб юксак қадрланади.

Саҳиҳ йўналишида Бухорий ва Муслимдан ташқари 5та саҳиҳ тўплам бўлиб, уларда асосан шайхонда келган ҳадислар келтирилган ҳолос. Улар ҳам ўзига хос мавқега эгадир. Уларнинг асосий мақсадлари ҳам ҳадисларни авлодларга етказиб бериш ва уларни асл ҳолида сақлаб қолишдан иборат.

⁵¹ Исломов З. Саҳиҳи Муслимнинг нодир бир қўлёзмаси ҳақида. / ТИУ Ахборот Блютени, 2004. 4-сон .4-5.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда , юрагимизда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Эшонжонов Б. IX – аср Моварауннаҳр маданий ҳаётида имом ал - Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асаридаги фикҳий масалалар.Тар.фан.ном.дисс... – Т.:ТДШИ, 2000 й. Б.144
3. Уватов У. Моварауннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тар.фан.док.дисс.автореферати... - Т.:ТИУ, 2002
4. Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари. – Т.: Фан, 2009. Б.95
5. Ибн Ҳиббон. Саҳиҳи Ибн Ҳиббон битартиби Ибн Балабон. – Байрут.:Ал-Ресалаҳ, 1997.
6. Имом Бухорий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ./ З.Исмоил таржимаси. – Т.:Қомуслар бош таҳририяти. I жилд, 1991.
7. Ал-Муборакфурий. Тухфа ал-аҳвазий. Муқаддима. – Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1-жилд
8. Шайх Муҳаммад Содиқ М.Ю. Ҳадис ва Ҳаёт. / Муқаддима. – Т.: Шарқ нашриёти, 2008. Б.161
9. Муҳаммад Абу Заҳв.Ал-Ҳадис вал-Муҳаддисун. –Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийа,1984
10. Раҳимджонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “ Китоб ал-қанд фи маърифати уламо Самарқанд” асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба: Тар.фан.ном.дисс... – Т.:ТИУ, 2003
11. Исломов З. Саҳиҳи Муслимнинг нодир бир қўлёзмаси ҳақида./ ТИУ Ахборот Блютени, 2004. 4-сон .4-5
12. Бёртон Ж. Мусульманское предание: введение в хадисоведение. – Москва.: Диля, 2006

